

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5111400 – 4.02

2018 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2018 йил “25” 08

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ

ФАН ДАСТУРИ

| | | | |
|---------------------|---------|---|--|
| Билим соҳаси: | 100000 | – | Гуманитар соҳа |
| Таълим соҳаси: | 110000 | – | Педагогика |
| | 120000 | – | Гуманитар фанлар |
| Таълим йўналишлари: | 5111400 | – | Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича) |
| | 5120100 | – | Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) |

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Тўхтаева Қ.Д. – ЎзДЖТУ “Инглиз тилини ўқитиш методикаси” кафедраси мудири ф.ф.н., доцент.
Ахмедов О.С. – ЎзДЖТУ “Инглиз тилини ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, ф.ф.д.

Такризчилар:

- Ирискулов М.Т. – ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ бўлим бошлиғи ф.ф.н., профессор
Сиддиқова И.А. – М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, ф. ф. д.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6”-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Қиёсий типология фани ихтисослик фани саналиб, у талабаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан олий ва ўрта таълим муассасалари ўқитувчисининг тил назарияси ва унинг аспекти бўйича назарий билимини оширишга хизмат қилади.

Ўқув фанининг асосий мазмуни “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, давлат таълим стандарти талаблари, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қароридан белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар ва хорижий тажрибаларга суянган ҳолда бўлғуси педагог кадрларнинг тилни назарий жиҳатдан пухта эгаллаган ҳолда амалий тажрибаларини мустаҳкамлаш, такомиллаштириб боришни мақсад қилади. Фаннинг ўқув дастури олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режага мувофиқ тарзда тузилган.

Ушбу фан чет тил, ўзбек ва рус тилларининг қиёсий таҳлили ҳамда тилларнинг долзарб муаммолари, асосий йўналишларининг назарий асосларини ўргатишга йўналтирилган фандир. Дастур замонавий тилшуносликнинг назарий ва амалий аҳамиятга молик аспектиларини яхлит тизим сифатида ўрганишга ундайди.

“Қиёсий типология” ихтисослик фанлари блокига киритилган бўлиб, бакалаврият таълим йўналиши битирувчи курсида ўқитилади. Фан тилшуносликка оид назарий фанларнинг қиёсий таҳлилий асосларини ўз ичига олиб, қиёсланаётган тилларнинг фарқли ва ўхшаш хусусиятларини ўзида акс эттирган кўникмаларни фан амалиётида қўллашда катта аҳамият касб этади. Қиёсий тилшунослик соҳасида эгалланган билимлар ўқув жараёнида тилнинг амалий кўникмаларини такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан **асосий мақсад** – талабаларга тилшуносликка оид билимларнинг назарий асослари, қиёсий типология фанининг асосий тушунча ва категориялари, тамойилларини ўргатиш, ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, тилнинг ривожланиш жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашни шакллантириш, тўпланган назарий билимларни тил амалиётида қўллаш имконини беради.

Фаннинг вазифалари:

- А) Тилшунослик тизимида қиёсий типология фанининг аҳамияти ва ўрнини аниқлаш;
- Б) Қиёсий типология фанининг назарий асослари билан танишиш;
- В) Қиёсий чоғиштирма методлари асосларини ўргатиш.

Шунингдек, мазкур фан тилларнинг қиёсий таҳлили, қиёсланадиган тилларнинг категориялари, тилларнинг изоморфик ва алломорфик тушунчалари, қиёсланаётган тилларнинг миқдорий чегараланиши, қиёсий типологиянинг ривожланиш тарихи, типологиянинг турлари, иерархия сатҳларига кўра типологик турлари, қиёсий грамматикада категоризация муаммолари, қиёсланаётган тилларнинг фонетик, лексик, грамматик типологияси ҳақида назарий ва амалий билимлар билан бакалавр талабаларини қуроллантиришдан иборатдир.

Фан бўйича бакалавр талабаларининг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади:

Қиёсий типология фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **бакалавр талабаларига қўйиладиган талаблар:**

- Қиёсий типология фанининг тарихий тараққиёт босқичлари, фаннинг назарий масалалари ва тадқиқот методлари, қиёслаш объектини танлаш, қиёсланаётган категорияларнинг ифодаланиш усуллари ва уларнинг амалий жиҳатдан қўлланилиш мақсадини тушуниш;
- Қиёсий типологик категориялар, динамик ва турғун тушунчалар, қиёсий универсалиялар, мета(эталон)тил, типологик таснифларни **билиши** ва улардан тил амалиётида **фойдалана олишлари зарур.**

Шу билан бир қаторда **бакалаврлар:**

- муайян назарий масалаларга оид фикрларни баён этиш, мавжуд фикрларга нисбатан танқидий муносабатини асослай олиш, тиллараро изоморф ва алломорф хусусиятларни таҳлил қила олиш;
- маърузалар давомида олинган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш, тил жараёнларини таҳлил қилиш усулларини қўллаш, мустақил ҳолда қиёсий тилшунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Қиёсий тилшунослик фан сифатида

Қиёсий тилшунослик фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Қиёсий типологик тадқиқотлар таҳлили.

2-мавзу. Қиёсий типологиянинг классификацияси

Ж.Буранов ва бошқа тилшунос олимларнинг типологик классификациялари. Тилларни қиёслашнинг турлари ва қиёсий тадқиқот методлари.

3-мавзу. Қиёсий типологиянинг аспектлари

Фонетик ва фонологик типология. Морфологик типология. Формал типология. Семантик типология. Тилларни қиёслаш турлари.

4-мавзу. Қиёсланаётган тилларнинг фонетик ва фонолик тизимлари типологияси

Фонетик ва фонологик типологиянинг назарий асослари. Фонетика ва фонология ўртасидаги фарқлар. Унли ва ундош товушларни қиёслаш. Урғу. Интонация. Ассимиляция. Диссимиляция. Редукция. Акцент. Ритм. Пауза.

5-мавзу. Чет тили ва она тили морфологик типологияси

Морфологик типологиянинг объекти. Қиёсий типологиянинг бошқа бўлимлар билан корреляцияси. Морфема ва алломорф. Аналитик ва синтетик тиллар тушунчаси. Тилларнинг типологик классификацияси.

6-мавзу. Чет тили ва она тили сўз туркумлари классификацияси

Сўз туркумларини таснифлаш. Сўз туркумларининг грамматик типологияси.

7-мавзу. Чет тили ва она тили синтактик даражалари типологияси

Синтаксис ҳақида маълумот. Синтактик даражаларни таснифлаш. Қиёсланаётган тилларнинг синтактик даражалари типологияси.

8-мавзу. Қиёсланаётган тилларда сўз бирикмаси (ибора)лар типологияси

Қиёсланаётган тилларда сўз бирикмасини таснифлаш ва уларнинг тузилиши. Сўз бирикмалари компонентларининг ўзаро муносабати.

9-мавзу. Қиёсланаётган тилларда гап типологияси

Гап ва унинг мазмун ва тузилишига кўра турлари. Гапни турларга ажратиш мезонлари. Гапларни таснифлаш. Қиёсланаётган тилларда гап турлари.

10-мавзу. Қиёсланаётган тилларда лексик бирликлар (даражалар) типологияси

Лексик типологиянинг объекти ва мақсади. Лексик типологиянинг қиёсий типология билан алоқаси. Лингвистикада “лексикон” тушунчаси. Лексик типологиянинг бўлимлари. “Лексик майдон” ва “домин” тушунчаларининг типологик категоризацияси.

11-мавзу. Қиёсланаётган тилларда сўзларнинг қиёсий таҳлили

Сўз тил бирлиги сифатида. Сўзнинг синтагматик ва парадигматик муносабатлари. Сўзнинг семантик таснифи. Сўзни тузилишига кўра туркумлаш.

12-мавзу. Қиёсланаётган тилларда сўз ясалиш турларининг қиёсий таҳлили

Лингвистикада сўз ясалиши. Қиёсланаётган тилларда сўз ясалиш турлари. Қиёсланаётган тилларда сўз ясалишидаги ўхшашлик ва фарқлар.

13-мавзу. Қиёсий типология билан лингвистиканинг антропоцентрик йўналиши ўртасидаги муносабатлари

Антропоцентрик парадигманинг пайдо бўлиш тарихи. “Когнитив илм” атамасининг таснифи. Лингвистиканинг янги йўналишларида қиёсий типологиянинг ўрни.

14-мавзу. Қиёсланаётган тилларда маданий “концепт”- тушунчалари

“Концепт”нинг қиёсланаётган тилларда ифодаланиши. Маданий концептларнинг қиёсланаётган тилларда қўлланилиши ва ифодаланиши.

15-мавзу. Қиёсланаётган тилларда Гендер лингвистикаси типологияси

Тил ва гендер муносабати. Гендер атамасининг хусусиятлари. Аёл ва эркак образлари хусусиятлари.

IV. Семинар машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Қиёсий тилшунослик фан сифатида.
2. Қиёсий типологиянинг классификацияси.

3. Қиёсий типологиянинг аспектлари.
4. Чет тил ва она тилининг фонетик ва фонолик тизимлари типологияси.
5. Чет тил ва она тилининг морфологик типологияси.
6. Чет тил ва она тилида сўз туркумлари классификацияси.
7. Чет тил ва она тилида синтактик даражалар типологияси.
8. Чет тил ва она тилида сўз бирикмаси (ибора)лар типологияси.
9. Чет тил ва она тилида гап типологияси.
10. Чет тил ва она тилида лексик бирликлар (даражалар) типологияси.
11. Чет тил ва она тилида сўзларнинг қиёсий таҳлили.
12. Чет тил ва она тилида сўз ясаиш турларининг қиёсий таҳлили.
13. Қиёсий типология билан лингвистиканинг антропоцентрик йўналиши ўртасидаги муносабатлари.
14. Чет тил ва она тилида маданий “концепт” тушунчаси.
15. Қиёсланаётган тилларда Гендер лингвистикаси типологияси.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Қиёсий типология тарихи;
2. Лингвистик типология йўналишларини аниқлашнинг асосий параметрлари;
3. Генетик ва генеологик типология;
4. Структурал типология ва унинг бўлимлари;
5. Қиёсий типология ва унинг ўзига хослиги;
6. Тилнинг ифодаланиши ва мазмунига тегишли қиёсий типология йўналишлари;
7. Тилшуносликда категоризация масаласи;
8. Инглиз, ўзбек ва рус тилларида кўплик категориясининг типологияси;
9. Тилларнинг типологик таснифи;
10. Тилларнинг морфологик таснифи;
11. Қиёсий универсалиялар;
12. Тилнинг ареал таснифи;
13. Тилларнинг генеологик таснифи;
14. Семантик типология;
15. Синтактик типология;
16. Қиёсий типологиянинг қиёсий ва маданий хусусиятлари.

“Қиёсий типология” фани мустақил иш мавзулари доирасида таълимнинг интерфаол методлари, коммуникатив ёндашувларга таянган ҳолда талабаларни маълумотларни таълим жараёнида фаоллашуви, мустақил фикрлаши, фикрини эркин баён эта олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. Бунга асосан ўқитувчи ва талабаларнинг маълум бир назарий ва амалий муаммоларнинг ечимини топиш бўйича эркин фикр алмашишларини, танқидий фикрлашларини назарда тутди. Интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилади:

- гуруҳли музокаралар (Group Discussion)
- жамоа лойиҳалари (Project Work)
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (Pair Work)
- яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (Individual Presentation)
- давра суҳбатларини ўтказиш (Round-Table Discussion)
- инсерт техникаси (Insert Technique)
- Пинборд техникаси (Pinboard)
- Кейс- стади (Case-study)
- ақлий ҳужум (Brainstorming) ва ҳақозо.

Танланган мавзулар бўйича намоишлар (такдимотлар) тайёрлаш ва гуруҳларда муҳокама қилиш режалаштирилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари¹

Асосий адабиётлар

Инглиз тили

1. Буранов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. М., Высшая школа 1983.
2. Расулова М.И., Shukurova Z.I. Comparative Typology of English, Uzbek and Russian Languages. Tashkent, 2017.

Немис тили

1. Riechl Glaudia Maria. Mehrsprachigkeit. Eine Einfuhrung. Darmstadt. 2014.
2. Tekun O. Grundlagen der kontrastiven Linguistik in Theorie und Praxis. Nubengen. 2013

Француз тили

1. Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. Просвещение. М-. 1987.
3. У. Турсунов, А. Мухторов, Ш. Рахматуллаев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1992. (www.ziyo.com)

Испан тили

1. Oscar Abel Sosa. Historia de la lengua. Santiago de Chile, 2012.

¹ Адабиётлар рўйхатида ҳар бир тил хусусияти ва ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин. Киритилган қўшимчалар ишчи дастурларда ўз аксини топади

2. Bernard Comrie. Universales de lenguaje y tipología lingüística: sintaxis y morfología. Editorial Gredos, Madrid, 2010. – p. 60.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

Инглиз тили

1. Аракин В. Д. Сравнительная типология английского и русского языков. 3-изд. М.: 2005.
2. Нелюбин Л.Л. Сравнительная типология английского и русского языков. Москва. Издательства “Флинта”, 2012.
3. Юсупов Ў. Инглиз ва ўзбек тилларининг чоғиштирма қиёсий типологияси. Тошкент, Академнашр, 2013.

Немис тили

1. Benjaminov J.R. Vergleichendi Typologie der deutschen und usbekischen Sprache. Т.: 1984.
4. Riechl Glaudia Maria. Mehrsprachigkeit. Eine Einführung. Darmstadt. 2014.

Француз тили

1. Ҳозирги ўзбек тили грамматикаси. 1 ва 2-томлар. Т., 1976.
2. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Т., 1980.
3. Репина Г.А., Сравнительная типология романских языков - С.Петербург.1998.

Испан тили

1. Репина Т.А. Сравнительная типология романских языков. СПб., 2001.
2. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – СПб., 2014.

Интернет сайтлари

1. www.google.es
2. www.marco.ele
3. www.cervantes.es
4. www.lewebpedagogique.com
5. <http://mvestnik.irk.ru>
6. www.clemi.org/fr
7. studentbank.ru
8. www.ziyou/.com
9. Website dedicated to linguistics: www.linguist.org
10. Русский филологический портал: www.philology.ru
11. www.natlib.uz
12. www.dissercat.ru
13. www.nauka.ru
14. www.dissorg.com
15. www.uzscience.uz

